



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИДАГИ РИСКЛАР, УНИНГ МОҲИЯТИ ВА ТУРЛАРИ

Маматов Акмалжон Анваржонович

“Агробанк” АТБ HR департаменти бизнес-тренери

Телефон: +998 (99) 602 79 49

Gmail: a.a.mamatov82@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7238093>

ARTICLE INFO

Received: 27th September 2022

Accepted: 01st October 2022

Online: 20th October 2022

KEY WORDS

риск, соф риск, кредит риси, диверсификация, хейджерлаш, депозит, риск зонаси, валюта, кредит портфели.

ABSTRACT

Ушбу мақолада банк фаолиятида учрайдиган рискларнинг моҳияти, бу бўйича олимларнинг таърифлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар ҳамда рискларнинг пайдо бўлиши сабабларига кўра турлари ҳақида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, банклар фаолиятининг риск билан боғлиқ бўлган харажатлар, зарарлар ва йўқотишларини олдини олиш йўллари таҳлил қилиниб, таклифлар берилган.

Кириш.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда молиявий секторни, хусусан банк тизимининг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини янада ошириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг инвестициявий фаоллигини рағбатлантириш, шунингдек, халқаро меъёр ва стандартларга мувофиқ банк фаолиятини ташкил этишни янада юқори даражага чиқишини таъминлаш мақсадида қатор чора-тадбирлар, ҳамда бу йўналишда рақобат муҳитини кучайтириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди.

Хусусан, халқаро стандартларга мувофиқ келадиган ва молиявий соҳага хорижий инвестициялар киритиш учун жозибадор ҳуқуқий муҳитни яратадиган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ҳамда “Тўловлар ва тўлов

тизимлари тўғрисида”ги янгиланган қонунлари қабул қилинди.

Ҳозирги даврда дунёда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, шунингдек халқаро ва маҳаллий бозорларда рақобатнинг кескинлашуви шароитида банк тизимида қатор муаммолар мавжудлиги, банклардаги мавжуд муаммолар эса уларда рискларни бошқаришда қўлланиладиган усулларни такомиллаштириш долзарблигини оширмақда ва рискларни бошқаришнинг ўзига хос жиҳатларини келтириб чиқармақда. Хусусан, банкларнинг тизимсиз рискларини бошқаришда қўлланиладиган усулларни тизимли рискларни бошқаришда қўллаганда тегишли самара бермаслиги, шунингдек банк рискларини бошқаришда кун кеча самарали ҳисобланган усул бугунга келиб ўзининг аҳамиятини йўқотиб қўяётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Риск тушунчаси адабиётларда турлича талқин этилади. Илмий иқтисодий адабиётларда риск бошқача



талқин қилинса, қонунчилик хужжатларида бошқа жиҳатдан қаралади. Рус тили изоҳли луғатида таваккалчилик сўзи “риск” деб аталиб, грек сўзидан олинган. У кемаларни ҳалокатга етакловчи ва одамларнинг ўлимига, мол-мулкларининг чўкиб кетишига сабабчи қояни билдириб, “қоялар орасидан тўсиқларга қарши сузиб ўтмоқ” маъносини англатади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Иқтисодиётда ҳам, ишлаб чиқариш, савдо ва бошқа соҳаларда ҳам биз ҳеч қачон келгусида нима содир бўлишини аниқ айта олмаймиз ва рискни умуман четлаб ўтиш имкониятимиз ҳам бўлмайди. Лекин, биз бир қанча воситалар орқали рискни минимум даражага олиб келишимиз мумкин.

Лаврушин О.И “Банк rischi эҳтимолий ҳодисанинг қиймат ўлчови бўлиб, у йўқотишларга олиб келади” деган фикр беради. Риск ҳамма вақт ҳам йўқотишларга олиб келмаслиги мумкин. Ҳар бир хўжалик субъекти ёки жисмоний шахс бирор рискли фаолиятни амалга оширишни мўлжаллаганда, у доимо юқори фойда олишни режа қилади. Шунинг учун, риск фақат йўқотишларга олиб келади, деган фикр жуда ҳам тўғри эмас деб ҳисоблаймиз.

Яна бир рус иқтисодчиси Панова Г.С “Риск кутилмаган ҳодисалар юзага келганида йўқотиш хавфи ёки имкониятидир” деб таъриф беради. Панова ўз таърифида икки асосий йўналишни асослаб берган. Булардан, биринчиси, Лаврушиннинг риск тўғрисидаги фикри билан ўхшаш бўлиб, у ҳам риск йўқотишларни ифодалайди, деб таъкидласа, иккинчидан, риск бу кутилмаган ҳодиса, шунингдек, бизга имконият ҳам бериши мумкинлигини кўрсатиб ўтган.

Чет эллик олимлар рискларни таснифлашдан кўра, уларнинг алоҳида олинган турларини кўришни афзал ҳисоблайдилар.

Роуз рискларга кенгроқ тушунча бериб, банк rischi 6 та асосий турдаги риск – кредит rischi, фойда кўра олмаслик rischi, ликвидлик rischi, бозор rischi, фоиз rischi, тўлай олмаслик riskидан ташкил топган ва бу рисклар банк фаолиятида энг аҳамиятли рисклар ҳисобланади, дейди. Банк учун иккинчи даражада бўлган рискларга Роуз сиёсий riskни, суистеъмол rischi, валюта riskини киритади.

Банклар фаолиятининг риск билан боғлиқ бўлиши харажатлар, зарарлар ва йўқотишлар доимий учраб туришини ва улар банк амалиётининг кундалик мониторингида бўлишини тақозо қилади. Банкларда харажатларнинг бўлиши, зарар ёки йўқотишлар булар ўз-ўзидан риск ҳисобланмайди. Бу тушунчаларнинг ҳар бири ўзининг мазмун-моҳиятига эга.

Аниқ ва сифатли маълумотларга асосланган ҳолда муаммо ва камчиликларни тадқиқ ва таҳлил қилиш, улар асосида тегишли хулоса ва таклифларни бериш орқали муаммоларни ечимини топиш ёки бартараф этиш йўллари аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Республикамиз банк тизимида ҳам мустақиллик даврида эришилган ютуқлар билан бирга баъзи муаммолар ҳам сақланиб қолмоқдаки, булар асосан банкнинг riskли фаолияти, хусусан, юқори даромад келтирувчи ва юқори даражада riskка берилувчан активларининг сифатини доимий таҳлил қилиб бориш, ушбу активлар бўйича йўқотилишлар олдини олиш орқали акциядорлар ва мижозлар манфаатларини ҳимоя қилиш тижорат банклари учун долзарб масалалардан ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси



Тижорат банклари рискларини бошқариш усулларининг иқтисодий моҳияти ва турлари хусусида иқтисодий адабиётларда жуда кенг ҳамда турли-туман фикр ва мулоҳазалар мавжуд. Бироқ, уларнинг шакли ва шамоили турли-туман бўлгани билан мазмуни битта мақсадга қаратилган.

Тадқиқот иш давомида иқтисодий жараёнларини ўрганишнинг илмий усуллари – экспериментал тадқиқот, умумлаштириш, гуруҳлаштириш, таҳлилнинг мантиқий ва таққослама усуллари, абстракт-мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, статистик таҳлил, истиқболли прогнозлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар


Банкнинг зарар кўриши, банк фаолиятида учрайдиган рискларнинг бартараф эта олмаслик, уни олдиндан кўра олмаслик ёки четлаб ўта олмаслик натижасида юзага келади. Банк фаолиятида рисклар келажакда амалга ошириладиган операцияларни олдиндан таҳлил қилмаслик, ҳолатни яхши ўрганмаслик, маблағларни самарали жойлаштирмаслик, бозор имкониятларига тўғри баҳо бермаслик, банк фаолияти учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган бошқа ҳолатларни олдиндан чамалай олмаслик натижасида юзага келиши мумкин. Зарарларнинг юқори бўлиши банкларда катта йўқотишлар бўлишига олиб келади. Таниқли иқтисодчилар таъкидлаганидек, банк фаолияти ҳар томонлама риск билан боғлиқ бўлиб, “банк берган кредит ўз вақтида қайтадими? Кейинги ойлар кесимида

депозитлар салмоғи ўсадими? Банк акциясининг баҳоси ошганлиги сабабли банк фойдаси ортадими? Келгусида аҳамиятли бўлган фоиз ставкалари қанақа бўлади, улар банк фойдасига қандай таъсир кўрсатади?”, каби эҳтимоллар билан боғлиқ фаолият олиб боради. Шу ҳолатларнинг таҳлилинини ҳисобга олган ҳолда банк маблағларни инвестиция қилади, ижобий натижага эришишни мақсад қилиб қўяди. Фикримизча, банк rischi иқтисодий рискларнинг бир қисмини ташкил қилиб, банк билан жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги иқтисодий муносабатларга таянади. Банк riskлари моҳиятини тадқиқ қила туриб, биз банк фаолиятида юзага келувчи рискларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд, деган фикрни билдирмоқчимиз. Таҳлил мақсадларидан келиб чиққан ҳолда банкларда учрайдиган рискларнинг бир нечта турлари бор.

Риск турлари бир-бири билан боғлиқ бўлиб, улар фаолиятига турли даражада таъсир кўрсатади. Бу ҳолат рискларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва рискнинг аниқ бир турларини таҳлил қилиш, уларни юзага келиш сабабларини аниқлашни қийинлаштиради.

Риск билан боғлиқ барча даромад ва харажатларни аниқлаш жараёни ҳамда уни пасайтириш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва қарор қабул қилиш riskни бошқариш деб аталади. Шу нарса муҳимки, барча чора-тадбирлар risk ҳодисалари содир бўлишидан олдин ёки айна ўша пайтда қўлланилган бўлиши керак.

Қуйида умумий riskка эга бўлган манбаларни келтираемиз.



1-расм. Риск турлари

Риск турлари бир - бири билан боғлиқ бўлиб, улар фаолиятига турли даражада таъсир кўрсатади. Бу ҳолат рискларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва рискнинг аниқ бир турларини таҳлил қилиш, уларни юзага келиш сабабларини аниқлашни қийинлаштиради.

Риск билан боғлиқ барча даромад ва харажатларни аниқлаш жараёни ҳамда уни пасайтириш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва қарор қабул қилиш рискни бошқариш деб аталади. Шу нарса муҳимки, барча чора-тадбирлар риск ҳодисалари содир бўлишидан олдин ёки айна ўша пайтда қўлланилган бўлиши керак.

Рискларни бошқариш жараёни куйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- рискни аниқлаш;
- рискни бошқариш;
- рискни камайтириш чораларини ишлаб чиқиш;
- рискни камайтириш чораларини танлаш;
- натижани баҳолаш.

Рискни аниқлаш субъектнинг асосан қандай рискларга кўпроқ таъсирчан эканлигини аниқлаш ва улар орасидаги боғланишни топишдан иборатдир.

Биз юқорида таъкидлаганимиздек, рискни бошқа комплекс активлар йиғиндиси ва вазиятлар билан алоқадорлигидаги таъсирини ўрганиш керак бўлади.



Рискни баҳолаш бу унинг миқдорий ўлчови ҳисобланмай, у билан боғлиқ барча харажатларни аниқлаш ҳам тушунилади. Рискни бошқаришда, рискни баҳолаш энг қийин масалалардан бири ҳисобланади. Уни аниқлашда энг биринчи бўлиб бизга ахборот керак бўлади. Бу каби ахборотда тарихий маълумотларга таянишини кўришимиз мумкин. Масалан, инвестор маблағларини компаниянинг акцияларига тикмоқчи. Бунда у акцияларнинг баҳосини тушиб кетишидан хавотирда бўлади. Биз юз фоиз аниқлик билан келажакда қандай ҳолатлар ва вазиятлар юз беришини билмаймиз, лекин статистик таҳлил усулидан фойдаланган ҳолда, унинг акциясининг тарихий ўзгаришларига баҳо берган ҳолда акцияларнинг келажакдаги баҳосини башорат қилишимиз мумкин.

Рискни камайтиришнинг асосий 4 та ёндашуви мавжуд:

1. Рискни четлаб ўтиш.
2. Риск тўлови.
3. Назорат ва зарарларни олдини олиш.
4. Рискни ўтказиш.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 14 июлдаги 2696-сонли "Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низомини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз мумкин.

Банклар фаолиятини тўғри ташкил қилиш, уларда мавжуд рискларни минималлаштириш масалаларидан бири кредит рисклари,

1-жадвал. Риск коэффицентини аниқлаш тартиби.

Кўрсаткичлар	1-вазият	2-вазият
1.Ўз маблағлари, млн сўм	80 000	10 000
2.Мумкин бўлган йўқотишларнинг максимал суммаси, млн сўм	16 000	6 000

уларнинг сифати ва даражасини аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат.

Банклар бошқа кредит ташкилотларига нисбатан рискдан кўп ҳимояланувчи ёки қочувчи бўлишлари керак. Бунинг сабаби шундаки, банк бошқа кредиторларга нисбатан ўз маблағи билан эмас, балки жалб қилинган маблағлар, яъни жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтинча банкда турган маблағлари билан ишлайдилар. Банкнинг кредит бериш имконияти у жалб қилган ресурсларга боғлиқ. Банк, ўз навбатида, бу жалб қилинган маблағларни талаб қилинган вақтда мижозга қайтариб бериш имкониятига эга бўлиши лозим. Бу имконият эса банк фаолиятида мавжуд рискларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Кредитларни риск бўйича жиҳатларга бўлиш, уларни минималлаштириш йўллари ишлаб чиқиш, банк манфаатларини ҳимоя қилиш кредит рискларини камайтиришга асос бўлиши мумкин. Кредит рисклари вужудга келишининг асосий сабаблари кредитларнинг бир соҳа, бир тармоққа кўп ажратилиши, бир қарздорга тўғри келувчи рискка роя қилмаслик туфайли ҳам бўлиши мумкин. Кредитларни риск даражаси бўйича бўлиш кредит қўйилмаларнинг қайси (қанча) миқдори меъерий риск ёки юқори риск зонасида эканлигини кўрсатиши мумкин.

Кредит рискининг даражасини аниқлашда риск коэффицентидан фойдаланиш мумкин. Буни қуйидаги жадвал асосида кўришимиз мумкин.



3. Риск коэффициенти

0,2

0,6

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкин, биринчи вазият бўйича капитал қўйиш rischi биринчи вариантга нисбатан 3 марта кам (0,6: 0,2 = 3). Риск туфайли йўқотишлар ҳажмига қараб риск зонасини аниқлаш мумкин.

Рисксиз зонада йўқотишлар йўқ, яъни унинг ўлчами "0"га тенг. Бу ҳолда фойда даражаси юқори бўлади. Бўлиши мумкин бўлган риск бу олдиндан аниқ бўлган, юқори даражада хавф туғдирмайдиган риск бўлиб, унинг ҳажми сезиларсиз, доимо олинандиган фойдадан паст бўлади. Критик риск зонаси йўқотишлар бўлиш хавфи борлигини ифодалайди, олинандиган фойдадан бир қисмининг бирор жараён учун йўналтирилганлигини ва шу маблағларнинг қайтиб келишида хавф борлигини ифодалайди.

Шундай экан, банклар томонидан бериландиган кредитларнинг қайси соҳага йўналтирилиши, улар бўйича тўланмаган қарзларнинг мавжудлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш, яъни аниқ ахборотларга эга бўлиш, доимий ҳисоб-китоблар олиб бориш риск даражасини камайтиришга ёрдам беради.

Хулоса ва таклифлар.

Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиши амалга оширилаётган ислохотлар натижаларига боғлиқ. Банк тизимидаги ислохотларни давом эттириш иқтисодий соҳадаги устувор вазифаларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Республикамида банк тизими, тижорат банкларининг ривожланиши, уларнинг эркинлашуви жуда мураккаб муҳитда, яъни иқтисодий-ижтимоий рақобат муҳитида шаклланимоқда. Бугунги кунда банк фаолиятини эркинлаштириш шароитида банклараро рақобатнинг кучайиши ва унинг такомиллашуви заруриятга айланиб бормоқда.

Айни вақтда бир қатор объектив ва субъектив омиллар таъсирида вазият шундай шаклланиши мумкинки, бунда кўрилган барча чоратadbирларга қарамасдан, фақат кредитни ундириш стратегиясини ишлаб чиқиш мумкин эмас. Кредитларни бериш шартлари турлича эканлиги ва муаммоли ссудаларнинг юзага келишидаги шароитларнинг бир хилда эмаслиги ҳар бир муаммоли ссудага индивидуал ёндашувни талаб қилади. Аммо, шунга қарамасдан, муаммоли кредитларни ундириш юзасидан умумий тизим ишлаб чиқилиши лозим. Шуниси характерлики, кредитни ундириш стратегиясини мижоз аҳволини олдиндан таҳлил қилмасдан туриб аниқлаш мумкин эмас. Шу боисдан мижознинг молиявий аҳволини баҳолаш ва вазиятининг прогнозини ишлаб чиқиш зарур. Шунини тушуниш керакки, рискни бошқариш маҳорати асосланган қарорлар қабул қилиниши билан боғлиқдир. Бу қарорлар ҳозирги шароитда мавжуд бўлган энг фойдали ва аниқ ахборотларга асосланган бўлиши керак.

Амалиётда оддий тахмин билан узоқни кўзлаб қилинган қарорлар натижалари ўртасидаги фарқни аниқлаш мумкин бўлмайди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, республикамизнинг йирик тижорат банкларида кредитларнинг асосий қисми маълум тармоқларга мансуб корхоналарда тўпланганлиги кузатилмоқда. Бундан ташқари, кредитларни айрим мулк шаклидаги мижозларда тўпланиши банк учун юқори кредит рискинни вужудга келтиради. Масалан, давлат корхоналарининг мулк шакли ўзгариши билан унга берилган кредитни қайтаришда жиддий муаммолар юзага келиши мумкин. Фикримизча, тижорат банклари кредит портфели



диверсификациясини кенгайтириш, кредит қўйилмаларидан самарали фойдаланиш банкларни универсаллаштиришда ва рақобатбардошлигини оширишда ёрдам беради ҳамда кредит рискинни пасайтиришни таъминлайди. Банк ликвидлигини бошқаришда ва Марказий банк томонидан иқтисодий нормативга риоя этиш мақсадида жалб қилинган ва жойлаштирилган маблағларни муддати бўйича диверсификация қилиш банкларга ўз кредит операцияларини режалаштиришга ёрдам беради. Бу билан тижорат банки зарур бўлган ликвидлик даражасини ушлаб турган ҳолда максимал даражада юқори даромадга эришади. Кредит портфелини шакллантириш жараёни оптимал кредит сиёсатини аниқлаш нуқтаи назаридан унинг диверсификацияланишини кўзда тутиши лозим. Кредитларнинг бир неча мижозлар ичида жамланиш даражаси ва кредитлашнинг умумий ҳажми ошиши билан банк кредит рискин ҳам ўсиб боради. Шунинг учун банклар доимо

бир-бирдан мустақил бўлган кўп сонли мижозларга озроқ ҳажмдаги кредитларни тақдим қилишга ҳаракат қилишлари лозим. Бундан ташқари, риск натижасида юзага келган салбий оқибатларни камайтириш учун банк хизматлари турларини кўпайтириш ва мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, банк қонунчилигини ҳозирги шароитларга мослаштириб бориш керак. Банкларнинг капиталлашув ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг ресурс базасини кўпайтириш учун аҳоли жамғармаларини ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини банклардаги муддатли омонатларга жалб қилиш ва молия бозорини ривожлантириш бўйича аниқ чоратадбирларни кўриб чиқиш зарур. Тижорат банкларининг актив ва пассивларини бошқаришнинг замонавий услубларидан фойдаланган ҳолда ликвидлигини таъминлаш чоралари кўрилиши ҳам банкларда риск даражасини камайтиришга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

References:

1. Лаврушин О.И. Банковское дело. 2001 - М.: Финансы и статистика.
2. Қоралиев Т., Ортиқов У. Банк ресурслари ва уларни бошқариш. 2009 Тошкент.й.
3. Абдуллаева Ш.З. Кредит скоринг: банклар фаолиятидаги аҳамиятли услуб. Бозор, пул ва кредит. 2016 №12.
4. Бобоев Б. Банк ресурсларидан фойдаланишни мақбуллаштириш. Бозор, пул ва кредит. 2011 №2.
5. Абдуллаева Ш.З. (2016) Кредит скоринг: банклар фаолиятидаги аҳамиятли услуб. Бозор, пул ва кредит.